

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISDIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2026-yil 26-fevral, payshanba

№ 9 (9381)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

Глоблалашув шароитида ёшлар тарбияси:

ОИЛА ВА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ
ҲАМДА УНИНГ МУСТАҲКАМ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги глоблалашув шароитида ёшларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу тафаккурини турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш долзарб вазифалар сирасига киради.

Бу борада маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, янада кучайтириш, маҳаллаларда, жойларда ўтказилаётган профилактик тадбирларнинг сифат ва мазмунини янги bosқичга кўтариш ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларни ҳар томонлама етуқ, билимли, ватанпарвар, халқпарвар бўлиб шаклланишларида, шунинг баробарида эзгу ғазилатли инсонлар бўлиб камол топишларида мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, олдимизга қўйилган юксак марраларни забт этишимизда мустаҳкам пойде-

вор вазифасини ўтайди. Бу борадаги ишларни аниқ ва изчил амалга оширишда Президентимизнинг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш тизими самардорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори аҳамиятга молик ишлардан бўлди. Мазкур қарор бутунги глоблалашув даврида ёшлар тарбиясида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган бундай кенг қамровли ислохотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан яққол далолатдир.

(Давоми 3-саҳифада)

Рақамли тафаккур билан
камол топаётган ёш иқтисодчи

Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишларидан бири рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва замонавий билимли кадрлар тайёрлашдир. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Рақамли технологиялар иқтисодиётининг барча соҳаларига чуқур кириб бормас экан, биз кутилган натижага эриша олмаймиз”. Шу боис, бугун юртимизда рақамли трансформацияни амалга ошира оладиган, замонавий фикрлайдиган, таҳлил қила оладиган ва инновацион ёндашувга эга ёш кадрларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Давлатимиз раҳбарининг яна бир фикрида таъкидланганидек, “Ёшлар – бизнинг энг катта бойлигимиз ва таянчимиздир”. Ана шу ишонч ва эътибор бугунги ёшларни илм-фан, инновация ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида янги марраларни забт этишга руҳлантирмоқда. Рақамли тафаккур билан камол топаётган ёш иқтисодчилар эса ана шу ислохотларнинг амалий ифодаси сифатида майдонга чиқмоқда.

Бугунги кунда рақамли технологиялар жаҳон иқтисодиётини тубдан ўзгартирмоқда. Электрон тулов тизимлари, онлайн хизматлар, агро-технологиялар, сунъий интеллект ва катта маълумотлар иқтисодий

жараёнларнинг ажралмас қисмига айланди. Ана шундай замонда иқтисодчи мутахассисдан нафақат назарий билим, балки рақамли тафаккур, таҳлилий фикрлаш ва инновацион ёндашув талаб этилмоқда. Тошкент давлат аграр университети “Рақамли иқтисодиёт” йўналиши талабаси Равшанбек Шарипов ана шундай янги авлод вакилдир. У 2005 йил Бухоро вилоятининг Пешку туманида меҳнаткаш ва оддий оилادا таваллуд топди. Қишлоқ муҳити инсонни сабр-тоқатли, меҳнатсевар ва ҳаётнинг ҳақиқий қийматини англайдиган қилиб тарбиялайди. Ерга меҳр, ҳалол меҳнатга ишонч, камтарлик ва маъсулият каби фа-

зилатлар Равшанбекнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалиги ҳаётини болаликдан яқиндан кузатган ёш йигит ер, сув ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи қанчалик долзарб эканини эрта англади. У қишлоқда дуч келган муаммоларни келажакда билим ва замонавий ёндашувлар орқали ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу сабабли у “Рақамли иқтисодиёт” йўналишини танлади. Чунки замонавий технологиялар ёрдамида анъанавий соҳаларни самарали ва барқарор ривожлантириш мумкинлигини теран тушунди.

(Давоми 2-саҳифада)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Таъмирталаб йўллар
Бosқичма-Бosқич таъмирланмоқда

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида ҳам аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, ҳайдовчиларнинг маданиятини ошириш, аҳолидан келиб тушаётган муурожаатларда кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ҳудуддаги таъмирталаб автомобиль йўллари босқичма-босқич таъмирланмоқда.

Бугунги кунда вилоятда жами 9 025 км. автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари 2 минг 202, ички йўллар 6 минг 823 километрни ташкил қилади. Бугунги кунда автомобиль йўллари 2 452 километр қисми таъмирталаб аҳволда бўлса, 1 272 км. қисми тупроқ йўллардир. Вилоятда 1 630 та қў-

прик иншоотлари мавжуд бўлиб, 855 таси умумфойдаланишдаги йўлларда, 506 таси эса, ички йўлларда жойлашган. Бундан ташқари, яна 269 та кўприк бор бўлиб, улар Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфиди. Бугунги кунда кўприкларнинг 40 фоизи таъмирталаб, 12 фоизи аварияолди ҳолатида ҳисобланади.

(Давоми 3-саҳифада)



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

“Ўзбекистон 2030” стратегияси:
Насос станцияларининг
электр энергияси истеъмоли
камайтирилмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги тизимини модернизация қилиш ва “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.



Айниқса, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида насос станцияларининг электр энергияси истеъмолини камайтириш, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳамда рақамлаштириш орқали самардорликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарғона вилоятида насос станциялари ва тик қудқларни босқичма-босқич рақамлаштириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, онлайн сув ўлчаш қурилмалари ўрнатилмоқда, масофавий мониторинг тизими жорий этилмоқда, энергия сарфини автоматик таҳлил қилиш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, Қувасой шахрида жойлашган “Исфайрам Шоҳимардон” насос станциясида кенг қўламли реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Лойиҳа “China nucklear indistricsion” қурилиш компанияси томонидан бажарилди.

5000 гектар ер майдонини сув билан таъминлаш имкониятига эга ушбу станция энг сўнгги замонавий, энергия тежовчи насос агрегатлари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари билан жиҳозланди. Барча технологик жараёнлар компьютер орқали бошқарилиб, реал вақт режимида назорат қилинади. Бу эса инсон омилни камайтириш, аниқликни ошириш ва электр энергиясидан тежамкор фойдаланиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари “Бешарик”, “Боғдод”, “Найман” ва “Наврўз” насос станцияларида қуввати 1000 кВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида электр энергияси харажатлари сезиларли даражада қисқаради, насос станцияларининг ташқи энергия манбаларига боғлиқлиги камайдди, атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилар миқдори пасаяди, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имконияти кенгайди.

Сув хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА
ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИЧигит экиш учун
ЕРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА
МАҚБУЛ МУДДАТЛАРДА
ЭКИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

ЧИГИТ ЭКИШ ОЛДИДАН ЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

“Ўзгидромет” агентлиги маълумотларига кўра, Республиканинг жанубий ва марказий минтақаларида февраль ва март ойлари меъёрида бўлиши прогноз қилиниб, чигит экишга ер тайёрлаш учун қулай келиши кутилмоқда. Фермер ва деҳқонларимиз бу имкониятдан унумли фойдаланиб, дала юмушларига тайёргарлик ишларини ўз муддатида амалга оширишлари керак бўлади. Чигитни ўз вақтида ва сифатли экишдан олдин ерларга ишлов бериш тадбирлари тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ равишда амалга оширилади. Бунинг учун, энг аввало соҳа олимлари ва мутахассисларининг тавсияларига асосан мавсум давомида амалга ошириладиган муайян агротехник тадбирларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

“Шинжон” усулида хорижий ва маҳаллий ғўза
навларини экиш учун ерларни тайёрлаш

“Шинжон” усулида чигит экиладиган майдонларда бажариладиган агротехник тадбирларнинг қисқариши ҳисобига тупроқ зичланиши ва сарф-харажатлар камайдди.

Шудгор қилинган майдонларни дастлаб лазерли ёки узун базали текислагичларда тўлиқ текислаб, бороналаш орқали тупроқдаги йирик кесакларни майин ҳолатга олиб келиш лозим. “Шинжон” усулида чигит экиладиган майдонларда лазерли текислаш мавжуд бўлмаган майдонларда молалаш тадбирлари ўтказилади. Шунингдек, пушта суви олинмасдан, ер майдонлари куруқ ҳолда тайёрланади ва чигит экилгандан сўнг, томчиладиган сўғориш шланглари орқали сўғорилиб, текис қўчат олишга эришилади.

Чигитни плёнка остида парваришлашда ернинг сифатли текисланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ер сифатли текисланса, плёнка текис тўшалади, четлари майин тупроқ билан бир меъёрга ёпилади, қўчат бир хил ундириб олинади, ғўза жадал ўсиб ривожланади, пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштирилади.

Шўри ювилган майдонларда ортиқча намни кетказиш учун ер етилиши билан чизелланади ва икки маротаба бороналаш амалга оширилади. Агар кузда шудгор остига минерал ўғитлар солинмаган далалар бўлса экиш олдини фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 100 фоизи (физик ҳолда аммофос 250 кг/га ёки суперфос 600 кг/га) ҳамда калийли ўғитларнинг 100 фоизи (калий хлориди 100-120 кг/га) чизель-борона остига солиниши шарт.

“Шинжон” усулида чигит экиладиган майдонларда тупроқнинг куруқ тайёрланишига алоҳида эътибор берилиб, намлиги 50 фоиздан паст бўлиши тавсия этилади. Тупроқдаги намлик юқори бўлса, экиш барабанларига нам тупроқ тегилиб, чигит бир текисда экилмайди, сўғориш шланглари ва плёнка сифатсиз тўшалади ҳамда плёнка тупроқ билан яхши ёпилмаслиги натижасида плёнка остига экишнинг самараси камайиб, ортиқча харажатга олиб келади.

Плёнка остига генетик жиҳатдан ўзгартирилган хорижий ва маҳаллий навлар экиладиган майдонларда чигит экишдан олдин бегона ўтларга қарши таркибида пендиметалин 330 г/л бўлган (Стом-П Оригинал 33% к.э., TRINTI 33% к.э. ва бошқа) гербицидларни 6-8 л/га ёки прометрин 50 фо-изли сус.к. (Гезагард 50% сус.к. ва бошқа) гербицидини 3-4 л/га сарф меъёрида қўлаш шарт. Акс ҳолда, бегона ўтлар таъсирида плёнка кўтарилиши, тешилиши ҳисобига плёнка остидаги тупроқ намлиги буғланиб, ҳарорат пасаяди ва ниҳоллар ривож кечикади.

(Давоми 2-саҳифада)

ЧИГИТ ЭКИШ УЧУН ЕРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МАҚБУЛ МУДДАТЛАРДА ЭКИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР



(Боши 1-саҳифада)

Эслатма. Уруғлик чигит унувчанлиги 90-95 фоиздан кам бўлмаган, намлиги 8-10 фоиз, механик шикастланганлиги 5-6 фоиздан ошмаган, сараланган, дориланган, яхши сақланган юқори сифатли уруғларни экиш тавсия этилади.

Кўп йиллик маълумотларга кўра, чигит экишнинг мақбул муддати жанубий вилоятларда 10 мартдан 1 апрелгача, марказий вилоятларда 20 мартдан 10 апрелгача, шимолӣй минтақада 25 мартдан 15 апрелгача ҳисобланади. “Шинжон” усулида чигит экиш ишларини об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, 10 мартдан бошлаш тавсия этилади. Бу усулда ту-проқнинг 10 см. қатламида ҳарорат 8-10 даражага етганда, ВМЈ-12, 2МВЈ-2/8, 2МВЈ-4/8, 2МЈҒ-2/8 ва 2МЈҒ-2/8 русумли сеялкалар ёрдамида (76х10 см кўшқатор) бир вақтнинг ўзида томчилатиб суғориш шланглари кўшқатор экилган чигитлар ўртасига тортилган ҳолда 1,5 микрон қалинликда плёнка билан чигит экиш ишлари амалга оширилади. Плёнка ўлчами 1,5 микрондан кам бўлганда иссиқлик ва кўёш нури ҳамда бегона ўтлар таъсирида йиртилиши плёнка қўллашни самарасини камайтириб, асосийси мавсум якунида плён-кани йиғиб олишда қийинчиликларни келтириб чиқаради. “Шинжон” усулида плёнка остига енгил тупроқларда 4 см., ўрта ва оғир тупроқларда 3 см. чуқурликда, гектарига ўртача 20-25 кг. меъёردа кўшқатор 76х10 схемада экилади. Бунда, эгатлар оралиғи 66 см.ни, кўшқатор ораси 10 см.ни, чигит уялари 10 см.ни ташкил этиб, гектарига 220-240 минг туп кўчат қалинлигига эришиш лозим. Ушбу майдонларда гўзани яганалаш тадбири ўтказилмайди.



Баҳор ойлари серёгин келганда ва сизот сувлари ер юза-сига ўта яқин (1-1,5 метр) жойлашган майдонларда плёнка остида ортиқча нам тўпланишининг олдини олиш мақсадида, даланинг плёнка тўшалмаган очиқ қатор ораларини 30-35 см. чуқурликда юмшатиш орқали намлик камайтирилади.

(Боши 1-саҳифада)

Равшанбекнинг университетдаги фаоли-яти унинг билимга бўлган муносабати пухта ва масъулиятли эканини яққол намоён этмоқда. У уни-верситет талабалари учун таъсис этилган “Эркин Шайхов” номидаги ички стипендия соҳибидир. Бу эътироф унинг юқори академик натижалари ҳамда ижтимоӣ ҳаётдаги фаол иштирокининг муносиб самарасидир. Шунингдек, у университет миқёсида ўтказилган танловда “Илнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талабаси” номинацияси го-либи бўлиб, нафақат чуқур билимга эгалигини, балки танлаган соҳасига нисбатан юксак қизиқиш ва масъулият билан ёндашаётганини ҳам намоён этди. Бугунги кунга қадар Равшанбек Шарипов муаллифлигида 40 дан зиёда илмий мақола чоп этилган. Уларда рақамли иқтисодиёт шароитида аграр соҳани модернизация қилиш, логистика занжирларини такомиллаштириш, иқтисодий ре-сурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш каби долзарб масалалар чуқур илмий таҳлил этилган. Муаллиф ўз изланишларида фақат назарий му-лоҳазалар билан чекланиб қолмай, уларни амалий тақлиф ва ечимлар билан бойитди. Бу эса унинг илмий қарашлари ҳаётӣй эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ эканини кўрсатади.

Эътироф этиш жоизки, унинг “Рақамли иқти-содиёт шароитида иқтисодий ресурслардан са-марали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлиғи-га эришиш йўллари” номли монографияси ёш тадқиқотчининг салмоқли илмий ютуғи ҳисоб-ланади. Мазкур асарда ер ва сув ресурсларини рақамли мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини замонавий таҳлил усуллари орқали баҳолаш, маълумотлар базалари асосида қарор қабул қилиш, агрологистика жараёнларини рақамлаштириш каби масалалар илмий жиҳатдан асослаб берилган. Монография ёш муаллифнинг стратегик фикрлай олиш салоҳияти, таҳлилий ёндашуви ва инновацион қарашларини яққол намоён этади.

Эслатма. Шинжон” усулида плёнка остига 76 см. кўшқатор усулида экилган майдонларда томчилатиб суғориш шланглари гўза ўсимликлари қатори ўртасига тўшалиши лозим. Бунда ўсимлик намлик ва озукани тез ва қулай ўзлаштиради ҳамда агро-техник тадбирларни олиб боришда ноқулайликлар туғдирмайди.



“Шинжон” усулида экиладиган майдонларда зира етиштириш

Фермер хўжаликларида қўшимча даромад олиш ва ер-лардан унумли фойдаланиш мақсадида “Шинжон” усулида чигит экиладиган майдонларда бир вақтнинг ўзида зира экиш тавсия этилади. Бунда, зира экилиши режалашти-рилган майдонларга глифосат таркибли гербицидлар сепилмаслигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Хитой сеялкаларига қўшимча равишда майда уруғларни экишга мўлжалланган, уруғқадағичлари сони 24 та бўлган экиш аппаратлари ўрнатилади. Кўшқатор чигит экилган қаторлар орасидаги 66 см. кенгликдаги эгатнинг ўртасига зира экилади. Зира экиш меъёри ўртача гектарига 8-10 кг.ни ташкил этиб, уруғлари 1-1,5 см чуқурликда экилади.



Очиқ майдонларда “76 см. кўшқатор схемада” чигит экиш учун ерларни тайёрлаш

Очиқ майдонларга маҳаллий ва хорижий гўза навларини кўшқатор 76 см. схемада экиш технологиясида чигитни ўз вақтида ва сифатли экишдан олдин ерга ишлов бериш тадбирлари тупроқнинг ҳолатига қараб амалга оширила-ди. Ушбу усул қўлланиладиган майдонларда экиш олдидан бороналаш ва молалаш тадбирларини ўтказиш лозим. Эрта баҳорда бороналашни ўтказиш табиий намни сақлаб қо-лиш ва пайдо бўлган бегона ўтларни йўқотиш имконини беради. Шунингдек, бороналаш ўтказиладиган далаларда

агрегатларнинг диагонал бўйлаб ҳаракатланиши натижасида тупроқдаги йирик кесакларнинг майдаланиши ҳамда дала юзасининг яхши текисланишига эришилади.



Ўрта ва кучли даражада бегона ўтлар босадиган май-донларда ясси кесувчи ишчи органлар ўрнатишган ҳолда чизелга тиркалган бороналар ёрдамида кўп йиллик бегона ўтлар илдизларидан тозаланаяди, юзада қолган илдизлар эса қўлда терилади ва даладан ташқарига чиқарилиб, комп-пост тайёрлашда фойдаланилади. Чизель ўтказишда ишлов чуқурлиги 15-17 см.дан ошмаслиғи керак.

Кучли даражада кўп йиллик бегона ўтлар билан зарар-ланган майдонларда, истисно тариқасида, ағдаргичи олиб ташланган, орқасига борона тиркалган плут билан 17-20 см. чуқурликда юмшатиш ҳисобига бегона ўтлар илдизи тупроқ юзасига чиқарилади ва тароқлаб ташланади. Маҳаллий навлар экиладиган майдонларда экишдан олдин борона остига ёки экиш билан бирга таркибида **пендиметалин 330 г/л. бўлган (Стомп Оригинал 33% к.э., TRINITI 33% к.э., Samugay 33% к.э. ва бошқа)** гербицидларни 6-8 л/га. сарф меъёрида ёки **прометрин 50 фоизли сус.к. (Тезагард 50% сус.к. ва бошқа)** гербицидларни 3-4 л/га. меъёрида қўла-ди. Гербицидга (Gt) ва кўсак куртига (Bt) чидамли генлари мавжуд бўлган хорижий гўза навлари экиладиган майдонларда бегона ўтлар кўкариб чиққандан кейин уларга қарши таъсир этувчи моддаси **глифосат таркибли герби-цидлар** бир йиллик бегона ўтларга қарши 1,5-2,5 л/га., кўп йиллик бегона ўтларга қарши эса 3-4 л/га. меъёрларида қўлланилади.

Чигит экишни биринчи навбатда тез етилиб, қизийдиган енгил, ўртача қумоқ майдонларда, кейин эса оғир тупроқлар-да ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Очиқ майдонларда чигит механик таркиби оғир, секин қизийдиган тупроқларда 3-4 см. бошқа барча тупроқларда 4-5 см. чуқурликда экилади. Очиқ майдонларда 76 см. кўшқатор усулида экилган далада томчилатиб суғориш шланглари гўза ўсимликлари қатори ўртасига тўшалиши лозим. Бунда ўсимлик намлик ва озукани тез ва қулай ўзлаштиради.

Очиқ майдонларда “76 см. якка қатор схемада” чигит экиш учун ерларни тайёрлаш Тупроқдаги намни сақлашда эрта баҳорда бороналаш ва молалаш тадбирларини ўтказиш керак. Ушбу тадбирлар тупроқнинг майин, донатор, зичлиги меъёрида бўлишига олиб келади ва намликни яхши сақлаш хусусиятини оширади. Ерларни сифатли бороналаш, чигитни бир хил чуқурлик ва намга экиш, ниҳолларни текис унди-риб олиш ҳамда гўзаларнинг барвақт ўсиб, ривожланиши ҳосилдорлиқни оширишдаги муҳим агротехник тадбирлар ҳисобланади.

Шўрланмаган, бегона ўтлардан нисбатан тоза майдонлар экиш олдиан бороналаниди кейин мола бостирилади ёки бир вақтнинг ўзида бороналаниб, текислагич агрегатлар ёрдамида текисланади.

Ўрта ва кучли даражада бегона ўтлар босадиган майдон-ларда ясси кесувчи ишчи органлар ўрнатишган ҳолда чизелга тиркалган бороналар ёрдамида кўп йиллик бегона ўтлар илдизлари тозалаб чиқарилади ва ундан сўнг нотекисли-klarни бартараф этиш учун мола бостирилади.

Эслатма. Чизель ўтказишда ишлов чуқурлиги 15-20 см. бўлиши керак. Кўчи даражада кўп йиллик бегона ўтлар билан зарарланган майдонларда эса ағдаргичи (отвал) олиб ташланган, орқасига борона тиркалган плуг билан 20-25 см. чуқурликда юмшатиш ҳисобига илдизлари тупроқ юзасига чиқарилади ва тароқлаб ташланади.

Чигит экиладиган майдонлар бегона ўт қолдиқларидан тўлиқ ва сифатли тозаланиб, дала атрофларидаги фойда-ланилмаётган ариқлар бузилиб, ажриқ ва бегона ўт қол-диқларидан тозаланади ҳамда **“конверт” усулида** “ерга ер қўшиш” тадбири амалга оширилади.

Чигит экиладиган майдонларда экишдан олдин борона остига ёки экиш билан бирга таркибида **пендиметалин 330 г/л. бўлган (Стомп Оригинал 33% к.э., TRINITI 33% к.э., ва бошқа)** гербицидларни 6-8 л/га. сарф меъёрида ёки **прометрин 50 фоизли сус.к. (Тезагард 50% сус.к. ва бошқа)** гербицидларни 3-4 л/га. меъёрида қўллаш лозим. Гербицидга (Gt) ва кўсак куртига (Bt) чидамли генлари мав-жуд бўлган хорижий гўза навлари экиладиган майдонларда бегона ўтлар кўкариб чиққандан кейин, уларга қарши таъсир этувчи моддаси **глифосат таркибли гербицидлар** бир йил-лик бегона ўтларга қарши 1,5-2,5 л/га., кўп йиллик бегона ўтларга қарши эса 3-4 л/га. меъёрларида қўлланилади.

Сув ресурсларини тежаш мақсадида айрим ҳудудларда чигит экишдан олдин пушта суви олинмасдан ер тайёрла-ниб, чигитни тупроқнинг табиий намига экиб, ундириб олиш чораларини кўриш лозим. Тупроқ табиий намлиги чигитни ундириб олиш учун етарли бўлмаганда, нам тўплаш мақсадида пушта олиниб, гектарига 600-700 м³ микдориди сув билан суғорилади. Пушта олинган майдонларни чигит экишдан олдин бороналашда чопиқ тракторларига осила-диган (навесной) махсус бороналардан фойдаланиш яхши самара беради. Тупроқнинг табиий нам қочиб кетган майдонларда чигит экилгандан кейин қатор оралатиб 600-650 м³ микдориди чигит суви билан енгил суғориш орқали тўлиқ ниҳол олишга эришиш мумкин.

Шўри ювилган майдонларни экиш учун тайёрлаш

Шўри ювилган майдонларда челлар бузилиб, борона ва мола билан ернинг юзаси юмшатилади. Кейин чизель орқа-сига мола тиркалган ҳолда зичлашган қатламдаги тупроқ намлигидан келиб чиқиб, ишлов берилади. Механик таркиби оғир тупроқлар чизель ёрдамида 15-20 см.гача чуқурликда ишлов берилади. Бунда ҳам чизель орқасига борона тир-калган ҳолда бўлиши шарт. Шўри ювилган майдонларда тупроқ намини сақлаш учун чизель ва молалаш тадбир-ларини тунги навбатларда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Агар кузда шудгор остига минерал ўғитлар солинмаган далалар бўлса ёки шўри ювилган майдонларда экиш олди-дан фосфорли ўғитлар йиллик меъёрнинг **камида 700 фон-зи (физик ҳолда алмофос 200 кг/га. ёки суперфос 500 кг/га.)** ҳамда калийли ўғитларнинг **50 фоиз (калий хлориди 80 кг/га.)** чизель-борона остига солинади. Очиқ майдонлар-да якка қатор ораси 76 см. схемада чигит экиладиган ерларда тупроқнинг 10 см. чуқурликдаги ҳарорати 12-14°С, намлиги 65-70 фоиз бўлганда чигитни экиш тупроқнинг табиий намида ниҳолларни ундириб олиш имконини беради.

Томчилатиб суғориш жорий этиладиган очик майдон-ларда шланглар ўсимлик ёнига тўшалиши лозим. Бунда ўсимлик намлик ва озукани тез ва қулай ўзлаштиради ҳамда агротехник тадбирларни олиб боришда ноқулайликлар туғдирмайди.

Чигит экишга пухта тайёргарлик кўриш орқали экиш ишларини ҳудудлар шароитидан келиб чиқиб, қисқа муддатларда (10-12 кун) сифатли ташкил этиш талаб этилади.

Рақамли тафаккур билан камол топаётган ёш иқтисодчи

Замонавий иқтисодчи фақат назарий билим билан чекланиб қолмаслиғи керак. Рақамли иқтисодиёт амалиёт билан уйғунликни талаб этади. Равшанбек бир қатор стартап лойиҳалар ташаббускори сифатида аграр тармоқда рақамли хизматларни жорий этишга қаратилган гояларни илгари сурмоқда. Унинг лойиҳалари қишлоқ хў-жалиги махсулотларини онлайн савдога чиқариш, бозор конъюнктурасини таҳлил қилувчи рақамли платформа яратиш, логистика харажатларини камайтиришга хизмат қилувчи инновацион ечимларни ўз ичига олади. Бу ташаббуслар од-дий талабалик фаолияти эмас, балки келажакда амалий самара бериши мумкин бўлган истиқ-болли гоялардир.

Равшанбекнинг “Мирзо Улуғбек ворислари” кўрик-танловида ғолиб бўлгани унинг интелек-туал салоҳиятини яна бир бор тасдиқлади. Буюк аллома Мирзо Улуғбек илм-фан ва маънавиятни уйғунлаштирган улкан шахс сифатида тарихда ёш қолдирган. Бугунги ёшлар эса ана шу илмий меросни давом эттириб, замонавий билим ва рақамли тафаккур билан уни бойитмоқдалар.

Равшанбек Шарипов университетда таҳсил олиш жараёнида иқтисодий назария билан бир қаторда ахборот технологиялари, маълумотлар таҳлили, иқтисодий моделлаштириш ва рақамли платформалар билан ишлаш кўникмаларини чуқур ўзлаштириб келмоқда. Унинг таъкидла-нишча, “бугунги иқтисодчи рақамларни фақат ҳисобламаслиги, балки улар орқали жараёнларни англаб, келажакни прогноз қила олиши керак”. Дарс жараёнларида у Excel, статистик таҳлил

усуллари ва замонавий дастурий воситалар орқа-ли иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишни ўрганмоқда. Бу эса унинг рақамли тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Равшанбек аграр соҳада рақамлаштириш масалаларига алоҳида қизиқиш билдирди. У қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фой-даланиш, агрокластерларда рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш ва иқтисодий сама-радорлиқни ошириш бўйича изланишлар олиб бормоқда. Ёш иқтисодчининг фикрича, аграр тармоқда рақамли технологиялардан фойдала-ниш харажатларни қисқартириш, ҳосилдорлик-ни ошириш, бозор таҳлилин аниқлаштириш, махсулот етказиб бериш занжирини оптимал-лаштириш имконини беради. Бу каби ёндашувлар мамлакатимиз агросаноат мажмуасини аянда рақобатбардош қилишга хизмат қилади.


Равшанбекнинг асосий устуворлиги – маълу-мотларга таяниш. Унингча, иқтисодий қарорлар таҳмин ёки субъектив фикр эмас, балки аниқ таҳлил ва ҳисоб-китобларга асосланиши лозим. Шу боис, у илмий изланишларида рақамли мо-деллаштириш ва таҳлил усулларидадан фаол фой-даланиб, амалий тақлифлар ишлаб чиқишга ин-тилади. Рақамли иқтисодиёт тез суъратлар билан ривожланмоқда. Бу эса ёш мутахассислардан доимий равишда ўз билимларини янгиллаб бо-ришни талаб қилади. Равшанбек онлайн курслар, илмий адабиётлар ва халқор тажрибалар билан мунтазам танишиб, ўз устида ишлашни ҳаётӣй тамойилга айлантирган. Унинг фикрича, “билим рақамли иқтисодиётдаги энг катта капиталдир”.

Равшанбек Шарипов тимсолида биз рақамли тафаккурга эга, ташаббускор ва мақсадга инти-лувчан ёш иқтисодчини кўраимиз. У каби билимли ва инновацион фикрлайдиган талабалар мамла-катимизда амалга ошириладиган рақамлашти-риш жараёнларида фаол иштирок этиб, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўишии шубҳасиз.

Илм фақат маълумот эмас, балки масъулият-дир. Ёш иқтисодчи ўз билимидан жамият ман-фаати йўлида фойдаланишни англагандагина ҳақиқий мутахассисга айланади. Мамлақати-мизда ёшларга қаратилмаётган эътибор, таълим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш сиёсати ўз самарасини бермоқда. Рақамли тафаккур билан камол топаётган ёш иқтисодчилар Янги Ўзбе-кистон иқтисодий моделининг пойдеворидир.

Равшанбекнинг бугунги ютуқлари замирида, аввало, уни тарбиялаб, вояга етказган ота-онаси Розик ака ва Гуласал опанинг меҳнати, дуолари мужассам. Розик ака фарзандига ҳалол меҳнат, сабр ва масъулиятни ҳаётӣй намуна қилиб кўр-сатган бўлса, Гуласал опа меҳр ва оқ фотиҳаси билан унинг қалбига ишонч ва қатъият жо эт-ган. Ҳар бир ютуқ ортида ота-онанинг туналири бедор ўтган ташвиши, “фарзандим эл-юртта наф келтирсин”, деган эзгу нияти ётади. Равшанбек ўз муваффақиятини шахсий зафар эмас, балки ота-она ишончини оқлаш йўлидаги масъулият деб билади. Зеро, ота-она дуоси инсонни юксак мар-раларга етакловчи энг буюк маънавий кучдир.

Равшанбек каби мақсадли ёшлар орзулар-ни режага, режани ҳаракатга, ҳаракатни эса



натижага айлантира олади. Улар иқтисодиётга фақат рақамлар орқали эмас, балки янги гоя-лар орқали ҳам қиймат қўшади. Ишонч билан айтиш мумкинки, билимни ҳаёт мазмунига ай-лантирган, рақамли тафаккурни касбий мезон сифатида қабул қилган бундай ёшлар келгусида мамлакатимиз аграр соҳасини янги босқичга олиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли тафаккур билан камол топаётган ёш иқтисодчи келажак иқтисодиётининг бунёдкоридир. Университети-миз талабаси Равшанбек Шарипов ана шундай умидли ёшлар сафиди муносиб ўрин эгаллайди.

И.С.ОЧИЛОВ,
Тошкент давлат аграр университети
“Агроиқтисодиёт” кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

(Боши 1-саҳифада)

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, ота-оналар фарзандлар тарбия-сидек ўта муҳим ва масъулиятли ишда намуна бўлишлари шарт. Энг аввало, шуни айтиш керакки, ҳар бир жамият аъзосининг бошланғич ҳаёти оиладан бошланади. Оила эса ўз навбатида маҳаллада шаклланади ва ривож топади. Оилада тарбиянинг илк куртаклари яратилади. Соғлом муҳитга эга бўлган оилалар тарбияли, одоб-ахлокли, баркамол фарзандларни камол топтириш кафолатидир. Оилада қадриятлар асносида берилган етарлича таълим-тарбия ҳамда фарзандларнинг ўзаро мулоқот ва муносабатлари натижасида давлат ва жамият тараққиёти учун муносиб хизмат қиладиган юксак ахлоқий сифатларга эга инсонпарвар фарзандлар камол топади.

Дарҳақиқат, Президентимиз ўтган йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, “Албатта, биз учун ҳозирги глобал тараққиёт даврида, дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар юз бераётган бугунги кунда миллий бирлик ниятда муҳим ва зарур. Донишманд болаларимизнинг “Бирлашган – ўзаро, бирлашмаган – тўзар”, деган ҳикматли мақоли бор. Чиндан ҳам, қаранг, кимки бирлашди – ҳаётда ўзди, ғалабага эришди. Кимки бирлашмади – тўзиб, йўқ бўлиб кетди. Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла ахли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак”.

Ҳозирги глобаллашув шароитда ёшлар келажаги ва тақдирини билан боғлиқ масалаларнинг давлат сиёсати даражасига кўтаририлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ҳаёт суръатлари тезлашган сари турли ахборотлар оқими ҳам тезлашиб бормоқда. Ёшларнинг кундалик ҳаётида ахборот технологиялари, интернет, оммавий ахборот воситаларининг таъсири тобора ортинб бормоқда. Айни пайтда ёшларни ноҳолис ахборотлардан, бузғунчи ёт гоёлар таъсиридан ҳимоялаш, асраб-авайлаш учун барча ҳавфсизлик чораларини қўришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ахир, ёшларни ҳимоялаш, келажагимизни ҳимоялаш эканлигини унутмаслигимиз керак. Ҳали онги тўла шаклланиб улгурмаган ёшларни миллийлигимизга тўғри келмайдиган, шарқона турмуш тарзига зид бўлган гоёлар, қарашлар таъсиридан асраш барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир. Шунинг учун ҳам мазкур муаммолар вазиятнинг ечимини топишда, энг аввало, ҳар бир ота-она ўз оиласига етарлича эътибор қаратишдан бошлаши керак. Таълим-тарбиянинг нақадар қудратли куч эканлиги ва унинг авлодлар келдажги учун доимо ҳаёт-мамот масаласи бўлиб келганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Шу ўринда Абдулла Авлоний бобоимизнинг “Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ” асаридagi: “Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”, “Илм инсонларнинг ма-

Глобаллашув шароитида ёшлар тарбияси: ОИЛА ВА МАҲАЛЛАНING ЎРНИ ҲАМДА УНИING МУСТАҲКАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



дори, ҳаёти, раҳбари, нажотидур”, деган фикрлари бугунги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этиб, ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этиб келаётганлиги билан диққатга сазовордир. Шу ўринда ёшлар таълим-тарбияси масаласида маҳалланинг ўрни ва роли беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида улғайишларига кўмаклашиш, иқтидорли ва истисоддилларини излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, ақлан етук ва жисмонан бақувват бўлиб камол топишларини рағбатлантириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт мусобақаларига оммавий жалб этиш ҳар биримизнинг мақсад ва вазифаларимиздандир. Президентимиз Мурожаатномасида қуйидаги фикрлар билдириб ўтилган: “Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу демократиянинг бирламчи талаби. Аммо, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуг бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаъати, халқимиз манфаъатидир. Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”. Зеро, давлат ва жамият тараққиётида маҳалланинг ўрни ва нуфузи доимо устувор аҳамият касб этган. Ёшлар онгида миллий қадриятларни шакллантиришда, диний ва дунёвий қадриятларни уйғунлаштиришда, оила ва жамиятдаги муҳитнинг тарбиявий таъсирини оширишда илм-маърифатнинг ўрни ҳам беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ахир, ҳар қандай тараққиётнинг асосини илм-маърифат ташкил этади. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилининг 24 январь куни Олий Мажлиста йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Илм йўқ жойда қолоқлик, ҳаҷолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қаншоқлик бу билимсизликдир”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”.

Дарҳақиқат, фарзандларимизни ҳар томонлама юксак даражадаги ақл-заковатли, илмли, баркамол авлод этиб тарбиялаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Бундай эзгу ишларни амалга оширишда китоб мутолаасининг қадр-қиммати нақадар муҳим аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Зеро, фарзандларимизнинг китобхонликка бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш бугунги куннинг устувор вазифалари сирасига киради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ёшларни турли ёт гоёлар таъсиридан ишончли турда ҳимоя қилишда китобнинг қадр-қиммати, ўрни бетакордир. Китобни севган, унга меҳр қўйган ҳар бир инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. У тўғри йўлдан адашмайди. Китоб орқали инсоннинг маънавий олами, дунёқараши юксалиб, мустақамланиб боради. Мустақил фикрга эга бўлади. Шу боис, маҳаллаларда, таълим ва тарбия масканларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шуни айтиш керакки, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бугунги куннинг муҳим вазифалари сирасига киради. Бундай долзарб ишларни амалга оширишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонини атрофлича ўрганиш ва уни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш устувор аҳамият касб этади. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим-тарбия борасидаги ишларни тизимли ва узвий равишда йўлга қўйиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий

маданиятни юксалтириш орқали қонун устуворлигини таъминлашга эришамиз. Бу эса ўз навбатида жиноятчиликни пасайтиришга, ёшларни турли ёт гоёлар таъсиридан ҳимоялашга олиб келади. Бугунги глобаллашув, ахборот асри даврида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг замонавий усулларидан, тарғиботнинг илгор ва таъсирчан воситаларидан етарли даражада фойдаланиш, бу борадаги ишларимизнинг самардорлигини янада оширишга олиб келади.

Ана шундай юксак даражадаги тарғибот ишларини амалга ошириш жараёнида бизга куч-қувват берадиган, қалбларимизда чексиз ифтихор туйғуларини уйғотадиган буюк даҳоларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари, қолдирган бебаҳо дурдона асарлари билан ёшларни яқиндан таништириш она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, эзгу мақсад-муддоаларимизни тўла-тўқис англаб етишларига ёрдам беради. Ёшларимиз қандай буюк аждодларнинг вакиллари эканликларини қалбан ҳис қиладилар, улар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Ана шундай фахрланиш баробарида улар қалбида буюк даҳоларимиз каби буюк мақсадларни амалга оширишда юксак шежоат, куч-қудрат туйғуси вужудга келади. Бу борадаги ишлар самардорлигини янада юксак даражада таъминлашда таълим-тарбия масканларида албатта, устоз ва мураббийларнинг роли беқиёсдир. Дарҳақиқат, фарзанд ва ёшлар тарбиясида ҳеч ким, ҳеч қачон бафарқ бўлмаслиги керак. Уларга доимо яхши ҳулқ ва одоб билан ўрнат қўлиб, ҳаётнинг қадр-қимматини аждодларимизнинг панд-насихатлари асосида ўргатиб боришимиз шарт, ҳаётда оқ билан қорани ажратишларида яқиндан кўмак беришимиз зарур. Чунки фарзандлар тарбиясига қаратилган юксак эътибор замирида, соғлом оила, соғлом жамият, соғлом келажақ борлигини ҳис қилишимиз зарур. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида камол топишларида кўмаклашиш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Зеро, ватанпарвар фидойилар миллат тараққиётини юксалтиради. Бугун жамиятимиз олдида турган улғувор ва шарафли вазифаларни ҳал этишда энг аввало, таълим-тарбия, илм-маърифат масалаларига эътиборни кучайтириш давр талабидир. Шунини мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига доимий эътибор қаратилиб, ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга ошириб келинаётир. Бу эса, юртимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.

Ҳ.АЗИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори.



ва Тупроққалъа туманларида биттадан ўлчов-назорат шахобчалари ўрнатиладиган жойлар аукцион савдоларига чиқарилди.

Вилоят йўлсозлари томонидан “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди, йўл бўйларига 560 мингга яқин дарахт ва бута қўчатлари экилди.

Мана шундай бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам жадал давом эттирилмоқда. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида жорий йилда вилоятда 67,5 млрд. сўмлик 7 та автомобил йўллари ва кўприк иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳаларнинг маъзилли рўйхати шакллантирилган. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариини реконструкция қилиш (50 млрд. сўмлик 2 та), “Янги Ўзбекистон” массивларининг ички ва ташқи йўллариини қуриш (17,5 млрд. сўмлик 5 та) ишлари шулар жумласидандир.

Ориф ЖУМАНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Эълонлар

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шаклидаги “Куёшли” болалар соғломлаштириш оромгоҳи буюртмачилигидаги қуйидаги объектга бош пудратчини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашга иштирокчиларни таклиф этади.

Объект номи: **“Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Куёшли” болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш”.** Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **360 000 000 сўм (объектнинг бошланғич нархи, мазкур объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг ўзгаради).**

Ишларни тугаллаш муддати – **30 кун.**

Харид тури – **очиқ танлаш.**

Манзил: Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Куёшли” болалар соғломлаштириш оромгоҳи.

Танлаш иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
- ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);
- ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
- бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.

Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорлар буюртмачи – **Муассаса шаклидаги “Куёшли” болалар соғломлаштириш оромгоҳига** расмий равишда мурожаат этсин! **Мурожаат учун телефон +998 90 947-00-01.** Буюртмачи томонидан объектнинг бошланғич нархига аниқлик киритилганидан сўнг танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилади ва ушбу рўйхат танлаш ташкилотчисига тақдим этилади. Буюртмачи томонидан танлаш ташкилотчисига тақдим этилган танлаш талабгорлари рўйхатига асосан, ташкилотчи талабгорларга танлашда иштирок этиш учун таклифномалар жўнатади.

Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманома ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

Таклифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш, ташкилотчи томонидан талабгорларга танлашда иштирок этишга таклифнома жўнатилгандан бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўтказилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шаклидаги “Чотқол” болалар соғломлаштириш оромгоҳи буюртмачилигидаги қуйидаги объектга бош пудратчини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашга иштирокчиларни таклиф этади.

Объект номи: **“Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Навобот” МФЙда жойлашган “Чотқол” болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш”.**

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – **1 000 000 000 сўм (объектнинг бошланғич нархи, мазкур объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг ўзгаради).**

Ишларни тугаллаш муддати – **30 кун.**

Харид тури – **очиқ танлаш.**

Манзил: Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Чотқол” болалар соғломлаштириш оромгоҳи.

Танлаш иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
- ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш база-си, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);
- ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
- бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.

Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорлар буюртмачи – **Муассаса шаклидаги “Чотқол” болалар соғломлаштириш оромгоҳига** расмий равишда мурожаат этсин! **Мурожаат учун телефон +998 90 819-77-73.** Буюртмачи томонидан объектнинг бошланғич нархига аниқлик киритилганидан сўнг, танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилади ва ушбу рўйхат танлаш ташкилотчисига тақдим этилади.

Буюртмачи томонидан танлаш ташкилотчисига тақдим этилган танлаш талабгорлари рўйхатига асосан, ташкилотчи талабгорларга танлашда иштирок этиш учун таклифномалар жўнатади. Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманома ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

Таклифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш, ташкилотчи томонидан талабгорларга танлашда иштирок этишга таклифнома жўнатилгандан бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўтказилади.

Таъмирталаб йўллар босқичма-босқич таъмирланмоқда

(Боши 1-саҳифада)

– Ўтган йили вилоятимизда 770,5 млрд. сўмлик йўл ишлари бажарилди ва 1138,2 км. узунликдаги автомобиль йўллари реконструкция қилиниб, таъмирланди, – дейди Хоразм вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Ниязметов. – Жумладан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 305 млрд. сўм миқдорига ишлар бажарилиб, белгиланган режа юз фоизга уудаланди. Худди шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллариини техник соз ҳолатда сақлаш бўйича ҳам белгиланган режаларни ҳам ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдик. Яъни, 186 млрд. сўмлик ишлар бажарилиб, 380 км. узунликдаги автомобиль



йўллари таъмирланди. Транспорт ва пиедаларнинг ҳавфсиз ҳаракатини ташкил қилиш бўйича 1807 та йўл белгиси ва кўрсаткичлари, 2 та электрон ахборот табло, 5 дона светофор ва 2 км. йўл тўсиқлари ўрнатилди. Аҳоли пунктларида 4 км. узунликда пиедалар ва велосипед йўлаклари, сунъий ёритиш тизими барпо этилди.

Ўтган йили вилоятда “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида ҳам 197,6 млрд. сўм маблағ ҳисобига 293,3 км. узунликдаги ички йўллар таъмирланиб, белгиланган режа юз фоизга уудаланди. Бундан ташқари, 60,8 км тупроқ йўллар шағаллаштирилди. Қолаверса, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Энг оғир ахволдаги маҳаллаларда 17,2 млрд. сўм миқдорда ишлар бажарилиб, 10,6 км. ички йўллар таъмирланди.

Бундан ташқари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички ҳўжалик йўллари инфратузилмасини яхшилаш режаси бўйича 296,4 км. узунликдаги ички йўллар таъмирланди. Автомобиль йўлларида жойлашган 19 та кўприқда таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилди. Йўлларда юк автомобилларининг вазни ва ҳажмини назорат қилувчи учта ўлчов-назорат шахобчалари ўрнатилдиган жойлар аукцион савдоларига чиқарилиб, ғолиб тадбиркорлар аниқланди ва шартномалар расмийлаштирилди. Бундан ташқари, Қўшқўпри

Эълонлар

01-02/479 рақаами билан 1992 йил 12 декабрда Красикова Оксана Михайловна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	10-01/10969 рақаами билан 1993 йил 24 февралда Волкова Валентина Викторовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	04-02/13460 рақаами билан 1993 йил 20 февралда Чиркова Алла Александровна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	05-01/10597 рақаами билан 1993 йил 22 майда Хасанов Абдугаппар Абдугаппурович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	22-05/1342 рақаами билан 2020 йил 27 майда Худайбердиев Ботир Абдирхаманович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
---	--	--	--	---

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Норин туманининг Учтепа қишлоғи бошқа ҳудудларга нисбатан анча обод. Чунки туманининг икки дарвозаси шу ерда. Бир томондан Андижон вилоятидан, иккинчи томондан Уйчи туманидан Норинга кириб келган меҳмонлар икки дарё оралиғидаги Учтепа қишлоғининг Юқори Чўжа маҳалласига таширф буюрадилар. Бу қишлоқдан жуда кўп зиёли инсонлар етишиб чиққан. Учтепаликлар фарзандлари таълим-тарбиясига жуда кичик ёшдан эътибор қаратадилар. Шу ҳудудда жойлашган 32-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти эса ота-оналар эътиборига тушган, тумандаги энг намунали муассасалардан бири ҳисобланади.

Аслида 85 ўринга мослаштирилган бўлса-да, аини пайтда унда 150 нафар жажжи ўғил-қизлар тарбияланмоқда. 30 нафар жонқуяр педагог ва техник ходимлардан иборат жамоа аҳил ва ҳамжиҳат. Фаолиятларида таълим-тарбиянинг замонавий усуларини жорий этишга одатланишган. 2003 йилдан буён таълим ташкилотига раҳбарлик қилиб келаётган директор Нигорахон Мирзаева-нинг талаби ҳам шундай. Масъулият! Бу сўз жамоанинг шиорига айланган. Сўнгги пайтларда гуруҳлар сонининг оширилгани, тарбияланувчиларни қамраб олиш даражаси ортгани, таълим-тарбия жараёнидаги муваффақиятлар айнан масъулият натижасидир.

– Тарбиячиларимиз, мутахассисларимиз тез-тез малака ошириш курсларида ўқитилади, – дейди ташкилот директори Нигорахон Мирзаева. – Чунки бу уларнинг соҳадаги янгиликларни ўзлаштиришлари, ўз устида ишлашлари, изланишларида қўл келади. Мени қувонтиргани, жамоамизда ташаббускор, ўз касбини севадиган педагоглар кўп. Устоз-шоғирд анъанасини ҳам яхши йўлга қўя олганмиз. Жамоадаги ҳар бир ходимнинг меҳнатини мамнуният билан эътироф этишни истардим.

Дарҳақиқат, мазкур мактабгача таълим ташкилоти яқин йиллар ичида ўтказилган турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, қўл меҳнати бўйича кўрга-змалар, “Сеvimли ўйинчоғим” танлови ва бошқа кўрик-танловларнинг туман ва вилоят босқичларида фаол иштирок этди ва совриндор бўлди. Бунинг замирида “Таълим фидокори” кўкрак нишони соҳибаси Нигорахон Зокировнанинг 23 йилдан буён жамоага раҳбарлик қилиб келаётгани, уни бир оилага айлантиргани, талабчанлиги, ходимлар билан дўстона

Мактабгача таълим ташкилотларида



муносабати, тартиб-интизомга риоя этилишини таъминлаши, истеъдодлиларни қадрлаши ётади, десак муболага бўлмас. Мазкур таълим ташкилоти ҳақида даврий нашрларда тез-тез мақола ва хабарлар чоп қилинади, телеканалларда кўрсатув ва лавҳалар намойиш этилади. Бу ҳам бежизга эмас. Негаки, бу масканда тез-тез маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Уларнинг юксак савияда ўтишида бир неча кўкрак нишонлари соҳибси Улуғбек Назаров, “Мактабгача таълим аълочиси” Феруза Ҳаққулова, “Тарбиячи” кўрик-танлови туман босқичи ғолиби Муштарий Абдусаломоваларнинг ҳиссаси ва хизмати катта. Жисмоний тарбия йўриқчиси Шахло Юсупова ҳамда логопед Марғуба Исақоваларнинг ҳам соҳадаги билим ва тажрибасига ҳавас қилтулик. Яқинда “Маънавият ойлиги” доирасида Мир Алишер Навоий ва Заҳриддин



Маҳоратли педагоглар масқани



Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланиб, “Буюк сиймоларга эҳтиром”, деб номланган адабий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Саҳналар буюқлар яшаб ўтган даврларига хос тарзда безатилди. Жажжи ва зукко тарбияланувчилар томонидан ижро этилган улуг сиймоларнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи саҳна кўринишлари, ёд айтилган ғазаллар, ашулалар кечага ўзгача мазмун ва файз бағишлади. Адабий-маърифий кеча иштирокчилари мамлакатимиз таълим тизими, хусусан, мактабгача таълим йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар, педагогларга яратилаётган кенг имкониятлар, талаблар ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Тадбирни ташкиллашда педагог Улуғбек Назаровнинг ташаббусини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли. У сўнгги уч йил ичида катта муваффақиятларга эришди, қатор мавзулардаги машғулотлари, маҳорат дарслари педагоглар ўртасида ўрганилиб, оммалаштиришга тавсия этилган. У бир неча йил аввал “Мактабгача ва мактаб таълими аълочиси” кўкрак нишонига сазовор бўлган бўлса, ўтган йили МДХ доирасида ўтказилган халқаро кўрик-танловнинг “Миллий ифтихор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Йил сўнггида у яна бир ютуққа эришди. Республика “Илм-фан ва илмий амалий фаолият академияси”нинг “Янги Ўзбекистон илм-фан тарғиботчиси” нишони билан мукофотланди. Шу куни тадбирда нишон тантанали равишда топширилди. Биз сўз юритган мактабгача таълим ташкилотида Улуғбек Назаров каби шу касб учун туғилганлар талайгина. Бу кўн-гаша таскин беради. Зотан, ўз касбига садоқатли педагоглар бор экан, фарзандларимиз илм олишга иштиёқманд, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишади.

Шахло ТОШБЕКОВА

Эълонлар

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шаклидаги “Ўғам” болалар соғломлаштириш оромгоҳи буюртмачилигидаги қуйидаги объектга бош пудратчини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашга иштирокчиларни таклиф этади.

Объект номи: “Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Хумсон” МФЙда жойлашган “Ўғам” болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш”.
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 250 000 000 сўм (объектнинг бошланғич нархи, мазкур объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг ўзгаради).
Ишларни тугаллаш муддати – 30 кун.
Харид тури – очик танлаш.
Манзил: Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Хумсон” МФЙда жойлашган “Ўғам” болалар соғломлаштириш оромгоҳи.
Танлаш иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:
• доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
• ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
• ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);
• ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
• бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.
Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:
• қайта ташкил этилиши (бўлиниши, қўшилиши), тугатиши ёки банкротлик арафасида турганлар;
• мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
Танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорлар буюртмачи – Муассаса шаклидаги “Ўғам” болалар соғломлаштириш оромгоҳига расмий равишда мурожаат этсин! Мурожаат учун телефон: +998 93 545-00-56.

Буюртмачи томонидан объектнинг бошланғич нархига аниқлик киритилганидан сўнг, танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилади ва ушбу рўйхат танлаш ташкилотчисига тақдим этилади.
Буюртмачи томонидан танлаш ташкилотчисига тақдим этилган танлаш талабгорлари рўйхатига асосан, ташкилотчи талабгорларга танлашда иштирок этиш учун таклифномалар жўнатади. Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманомна ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишида берилади.
Таклифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўрганиши ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш, ташкилотчи томонидан талабгорларга танлашда иштирок этишга таклифнома жўнатиладан бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўтказилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шаклидаги “Анор” болалар соғломлаштириш оромгоҳи буюртмачилигидаги қуйидаги объектга бош пудратчини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашга иштирокчиларни таклиф этади.

Объект номи: “Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Думалоқ” МФЙ ҳудудида жойлашган “Анор” болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш”.
Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – 1 000 000 000 сўм (объектнинг бошланғич нархи, мазкур объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг ўзгаради).
Ишларни тугаллаш муддати – 30 кун.
Харид тури – очик танлаш.
Манзил: Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Думалоқ” МФЙ ҳудудида жойлашган “Анор” болалар соғломлаштириш оромгоҳи.
Танлаш иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:
• доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
• ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
• ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);
• ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
• бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.
Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:
• қайта ташкил этилиши (бўлиниши, қўшилиши), тугатиши ёки банкротлик арафасида турганлар;
• мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
Танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорлар буюртмачи – Муассаса шаклидаги “Анор” болалар соғломлаштириш оромгоҳига расмий равишда мурожаат этсин! Мурожаат учун телефон: +998 97 707-61-47, +998 88 717-08-08.

Буюртмачи томонидан объектнинг бошланғич нархига аниқлик киритилганидан сўнг, танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилади ва ушбу рўйхат танлаш ташкилотчисига тақдим этилади.
Буюртмачи томонидан танлаш ташкилотчисига тақдим этилган танлаш талабгорлари рўйхатига асосан, ташкилотчи талабгорларга танлашда иштирок этиш учун таклифномалар жўнатади.
Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманомна ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишида берилади.
Таклифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўрганиши ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.
Таклифларни очиш, ташкилотчи томонидан талабгорларга танлашда иштирок этишга таклифнома жўнатиладан бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўтказилади.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Бир коса овқат



ҲИКОЯ

– Эсинг жойидами? Лифт ҳам ишламаяпти. Ўпкам томир, тинкам темир эмас-ку... Еттинчи қаватдан пастга тушиб - чиқаманми энди? Ўргулдим, ўша қоровулдан...
– Оғринманг, дадаси. Савоб бўлади. Мана, ўелингизнинг косасига солиб бераяпман. Рамазон оқшомида кўнглингизни кенг қилинг. Савоб яхши-да, дадаси, болаимиз ҳам биздан олисда юрибди...

Аёл оқ ялтироқ-шилдироқ қозоғга ўралган косани эрига тутди. Ёмғир шиддат ила кўз очирмай урапти. Кўп қаватли уйдан анча наридаги яримигача кўтарилган бетондевор бино намҳаво пардаси ичра қорайиб кўринади. Қурилиш майдониға кира-веришда қўққайган тор, пастқам, ойнадевор қоровулхонаға етгунча эркакнинг уст-боши шалаббо бўлди.
– Оғизочарға овқат олиб келдим, – қоровулға ерқараш қилди у.
– Оллоҳим рози бўлсин, Сизлардан. Бирингиз минг бўлиб қайтсин!

Қоровул чехрасида ёйилган табассумдан таралган нур гўё эркакнинг ботини ва руҳиятиға сингиб, туйқус бутун борлиқ ёришиб кетгандай бўлди.

У энди негадир шариллаб ёғаётган ёмғирға ҳам парво қилмади. Еттинчи қаватға қушдай енгил кўтарилди.

... Эртасиға сахарлик пайти аёлнинг қўлтелефониға видеохабар келди: жуда олисда, уммон ортидаги мамлакатда ўқиётган ўғли машинасини йўл четига тўхтатди.

– Ойижон, – деди у, – Дам олиш куни бўлгани учун Калифорнияға келаяпман. Ишим бор. Чўлнинг ўртасидаман. Тамад-дихона юз қақирим узокда. Энди сув билан оғиз очаман, деб турганимда ёнимға бир улов келиб тўхтади. Муслим одамлар экан, мановини қосағ, бир коса овқат бериб кетишди. Яхшилаб қаранг, манови косаға қаранг, кўраяпсизми, бизнинг уйимиздаги косаға айнан ўхшаркан. Эсингиздами, менға болалигимда овқат солиб берардингиз-ку, қаранг-да, ўхшайдимиз? Худди ўша коса-я, онажон...

Ўғлоннинг соғинч ҳисси ўртаган овозиға титроқ кўчганди. Аёл ҳол-беҳол ўрнидан турди. Қалби увшишиб, минг бир тўнгоқ ила деразадан ташқари қаради. Ботинида ҳеч бир оғрик сезмади. Руҳиятида бутун оламни ёриттудай нур ҳуқумрон эди. Ҳатто кўз ёшлари ҳам товланиб, нурланиб сизаётганди.
– Ҳа, ўша коса, ўзимизнинг косамиз... Овқатим сенға етиб борибди, болам... – Аёл ўзига ўзи пичирлади ҳиққиллаб.
– Ё Оллоҳим-а, бунчалар қарамнинг кенг, чиндан олам биттадир, олам аслида одамнинг ичида экан...

У бу гапни ўзи айтдими ё илгари кимдандир эшитганмиди, англай олмади.

Qishloq hayoti

MUASSISLAR:

O‘zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi
kompleksi tarkibidagi hamda
boshqa daxldor vazirlik
va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o‘rinbosari).

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,
qog‘oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-217. 1910 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Mapk YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko‘chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Reklama va e‘lonlar – (998 90) 317-19-16.
E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.
Gazeta “Sharh” nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Bosmaxona manzili: “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 19.00